

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Раисининг биринчи ўринбосари М.М.Мирзаевнинг 2022 йил август
бажарилган ишлари**

**Бюджет даромадлари ижросини таъминлаш
ва қўшимча манбаларни жалб этиш**

2022 йилнинг август учун белгиланган **12,0** трлн.сўм прогноз кўрсаткичи **13,0** трлн.сўмга (108,1%) бажарилиб, бюджетта **980,8** млрд.сўм қўшимча маблағлар жалб этилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича **2022 йил август** ойи учун **2,5** трлн.сўм белгиланган прогноз **2,7** трлн.сўмга ёки 108 фоизга бажарилди.

Стратегик режалаштириш бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 249—сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси мутахассислардан иборат тузилган ҳолда, маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги мунтазам равишда янгиланиб борилди.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўйича

2022 йилнинг август ойида жами 54 та 30,6 млн. сўмлик солиқ низосига оид шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барчасини белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланган.

Хусусан, шикоятлар солиқ тўловчи вакиллари билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, 11 таси 19,0 млн. сўмлик мурожаатда солиқ тўловчининг позицияси қаноатлантирилган.

Шунингдек, 43 та 11,6 млн.сўмлик мурожаат бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари ўз кучида қолдирилди ва бу ҳақда белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди.